



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"SUVMASH" Aksiyadorlik jamiyati

(Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"SUVMASH" AJ

(Yuridik shaxsning qisqartirgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tqazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

07.05.1997

02-514

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Solliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

200663071

Tashkiliy-huquqiy shakli

Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi

Toshkent shahri, Bektemir tumani, XUSAYN BAYQARO KO'CHASI, 13,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Bektemir tumani, YAGONA DARCHA MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)



"SUVMASH" акциядорлик жамияти  
акциядорларининг 2022 йил 27 июндаги  
йиллик умумий йиғилиши қарори билан

**"ТАСДИҚЛАНГАН"**

(2022 йил 27-июндаги №1-сонли баённома)



**"SUVMASH"**  
**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ**  
**УСТАВИ**

(Янги тахрир)

Тошкент шаҳри – 2022 йил

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. "SUVMASH" акциядорлик жамиятининг (бундан буён матнда "жамият" деб юритилади) мазкур Устави Ўзбекистон Республикасининг 06.05.2014й. ЎРҚ №370-сон "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни (бундан буён матнда "Қонун" деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган. "SUVMASH" Акциядорлик жамияти акциядорларининг 2022 йил 27 июндаги йиллик умумий йиғилиши баённомаси қарори билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган.

1.2. "SUVMASH" акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш Давлат қўмитаси (Давлат рақобат қўмитаси)нинг, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, 2001 йил 25 июлдаги № 215 к-ПО – сонли буйруғига асосан ташкил этилган.

1.3. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Қонунга ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.4. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

1.4.1. Ўзбек тилида:

лотин ёзувида: "SUVMASH" aksiyadorlik jamiyati;

кирилл ёзувида: "SUVMASH" акциядорлик жамияти.

1.4.2. Рус тилида: Акционерное общество "SUVMASH".

1.4.3. Инглиз тилида: Joint stock company "SUVMASH".

1.5. Жамиятнинг қисқартирилган номи:

1.5.1. Ўзбек тилида:

лотин ёзувида: "SUVMASH" AJ;

кирилл ёзувида: "SUVMASH" АЖ.

1.5.2. Рус тилида: АО "SUVMASH".

1.5.3. Инглиз тилида: JSC "SUVMASH".

1.6. Жамиятнинг жойлашган ери (почта мназили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Хусайн Байқаро кўчаси, 13-уй. Индекс: 100158.

1.7. Жамиятнинг электрон почта манзили: [office@suv mash.uz](mailto:office@suv mash.uz).

1.8. Жамиятнинг расмий корпоратив веб-сайти: [www.suv mash.uz](http://www.suv mash.uz).

1.9. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулккий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.10. Жамият акциядорлари ва ходимларининг моддий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун ўз фаолиятини хўжалик ҳисоби, ўз-ўзини молиявий таъминлаш, тўла хўжалик мустақиллиги принциплари асосида фойда олиш мақсадида амалга оширади.

1.11. Жамиятнинг таъсисчиси бўлиб Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳисобланади.

1.12. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

1.13. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлишга ҳақли. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

1.14. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

1.15. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ҳам ўз филиалларини, қўшма корхоналарни, ваколатхоналарни, турдош ва бўйсунувчи корхоналарни, савдо уйлари ташкил этиш (очиш) ҳуқуқига эга.

Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ўз филиаллари ва ваколатхоналарни ташкил этиш мамлакат қонунчилиги талаблари асосида амалга оширилади, агар

бошқа ҳолат Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида кўзда тутилмаган бўлса.

1.16. Жамият ихтиёрий равишда бирлашмалар, холдинг, уюшмалар, молиявий саноат гуруҳлар, иттифоқлар таркибига кириши ва улар таркибидан чиқиши мумкин.

## **II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ**

2.1. Жамият фаолиятининг асосий турлари қуйидагилардан иборат:

- насос ва электр машиналарини ишлаб чиқариш ва таъмирлаш;
- металлконструкцияларини ва ностандарт ускуналарни тайёрлаш;
- эҳтиёт қисмлар ва жамловчи маҳсулотларни тайёрлаш;
- келажакда янги насос конструкцияларни, электр насос агрегатларни ва насос станцияларини ишлаб чиқариш;
- илгари фойдаланишда бўлган, кондицион бўлмаган машиналар, халқ хўжалиги истеъмоли маҳсулотларини сотиб олиш, уларни таъмирлаш, реновация қилиш ва маҳсулотларни кондицияга етказиш бўйича бошқа ишлар, ҳамда уларни кейинчалик сотишни йўлга қўйиш;
- таъминот;
- ташкилотларга ва фуқароларга хизмат кўрсатиш ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш;
- халқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш;
- воситачилик ва тижорат фаолияти;
- чакана ва улгуржи савдо;
- умумий овқатланишни ташкил этиш;
- ҳайрия ва ҳомийлик фаолияти;
- ўзбек ва чет эл бозорларида ўз маҳсулоти, хизмати ва технологияси билан маркетинг ишларини олиб бориш;
- Ўзбекистон Республикаси ва чет элда ташкилотлар, шўъбалар ва алоҳида фуқаролардан илмий-техник янгиликлар, хом-ашё, ускуналар, маълумотномаларни, муаллифлик ҳуқуқларини сотиб олиш;
- ўзининг моддий базасини ташкил этиш ва мустаҳкамлаш ишларини ўтказиш, шунингдек республикада ва чет элдан автотранспорт техникаларини, ускуналарни, эҳтиёт қисмларни сотиб олиш, таъмирлаш базалари билан бирга устахоналар ташкил этиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташқи иқтисодий алоқалар;
- саноат – фуқаро қурилиши;
- гидротехник, саноат, машинасозлик ускуналарини ва иншоотларини қуриш, ўрнатиш;
- ирригация – мелиорация тармоқларини қуриш ва тиклаш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида тақиқланмаган бошқа фаолиятлар;
- махсус рухсатнома талаб қилувчи фаолият, шундай рухсатнома олинганидан сўнг бошланади.

2.2. Жамият мақсадларига мос келувчи барча турдаги хўжалик фаолиятларини амалга оширади, агар у Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигида тақиқланмаган бўлса.

2.3. Жамиятнинг махсус рухсат (лицензия) талаб этадиган фаолияти қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

## **III. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ**

3.1. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

3.2. Жамиятнинг устав фонди 1 132 920 000,0 (Бир миллиард бир юзи ўттиз икки миллион тўққиз юз йигирма минг) сўмни ташкил қилади. У ҳар бирининг номинал қиймати 5 000 (беш минг) сўм бўлган 224 318 (Икки юз йигирма тўрт минг уч юз ўн саккиз) дона оддий ва 2 266 (Икки минг икки юз олти) дона имтиёзли акцияларга бўлинган.

### **Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш**

3.3. Жамиятнинг устав капитали кўшимча акцияларни чиқариш ва жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.4. Кўшимча акциялар жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

3.5. Кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

3.6. Кўшимча чиқарилаётган акциялар очик ва ёпиқ обуна усули билан жойлаштирилади.

3.7. Кўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

3.8. Жамиятнинг акцияларига ҳақ тўлаш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул воситасида амалга оширилади.

3.9. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

3.10. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жамиятнинг устав капитали кўпайтирилаётганда жамиятнинг кўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини кўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

3.11. Солиққа оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав капиталидаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

### **Жамиятнинг устав фондини камайтириш**

3.12. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.13. Агар устав капиталини камайтириш натижасида унинг миқдори конун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, жамият устав капиталини камайтиришга ҳақли эмас.

3.14. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

## **IV. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

4.1. Жамиятнинг акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қоғозлар бўлиб, улар оддий ва имтиёзли турларга бўлинади, ҳужжатсиз шаклда ҳисоби юритилади.

Акцияларга эгалик ҳуқуқи депо-ҳисоб варағидан кўчирма билан тасдиқланади.

4.2. Жамиятнинг имтиёзли акцияси ўз эгасига ҳар йили бир дона акция номинал қийматининг 25 (йигирма беш) фоизи миқдорида биринчи навбатда дивиденд олиш ҳуқуқини беради.

4.3. Имтиёзли акциялар эгалари жамият тугатилган тақдирда унинг мулклари тақсимланаётган пайтда оддий акция эгалари ўртасида мулк тақсимоти амалга оширилгунга қадар ўз акцияларининг номинал қийматини оладилар.

4.4. Жамият ўзи жойлаштирган имтиёзли акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

4.5. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин.

Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

4.6. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

4.7. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

4.8. Жамият бир йилда бир марта йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлайди, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

4.9. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек жамият уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

4.10. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтимиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

## **V. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ**

5.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

5.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

5.3. Жамиятда устав фондининг ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фонди тузилади. Захира фондига белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан беш фоиз миқдорида ажратмалар ўтказилади.

5.4. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, захира фонди соф фойдадан мажбурий ажратмалардан қайта тикланади.

## **VI. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ**

6.1. Жамият бошқарувининг органлари:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Ижроия органи (Бош директор).

## VII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ

7.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

7.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг йиллик (навбатдаги) умумий йиғилишини ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши йил тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

7.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;

- жамиятни қайта ташкил этиш;

- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш;

- жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

- ўз акцияларини сотиб олиш;

- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

- мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг йиллик ҳисоботини, йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

- жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

- жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

- акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

• қонунчиликда белгиланган ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

• жамиятнинг бошқарув органи тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;

• жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини сақлаш харажатини қоплаш (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

• қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

7.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда жамият корпоратив веб-сайтида ва Корпоратив ахборот ягона порталида жойлаштирилади. Агар жамият акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари фонд биржасининг котировка варағига киритилган бўлса, мазкур қарорлар биржанинг веб-сайтида ҳам жойлаштирилади.

7.5. Жамиятнинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари акциядорлар умумий йиғилиши кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини, умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан, кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

7.6. Жамиятнинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акция эгалари жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин тўксон кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органининг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

7.7. Акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар овоз беришда биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиши мумкин.

7.8. Жамиятнинг миноритар акциядорлари ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан жамият бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

7.9. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши "Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида"ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

## **VIII. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

8.1. Жамият кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

8.2. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йиллик муддатга сайланадилар. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони 5 (беш) кишидан иборат.

8.3. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

8.4. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

• жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши, шунингдек, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

• акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

• акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш, ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

• акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш ва иштирок этиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

• жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

• мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;



• жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

• ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

• жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

• жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

• дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

• жамият захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

• жамиятнинг филиалларни ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

• жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш (улар акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамияти шаклларида тузилади);

• қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

• аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш;

• қонунчиликда белгиланган ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

• жамият бош директорининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш;

• жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш.

• жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш, шунингдек, кўрсатилган тўловларнинг чегараси миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 09.12.2020 йилдаги №775 – сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгилаш;

• ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда қабул қилиш;

• қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

8.5. Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

8.6. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан жамият кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Жамият кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

8.7. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

8.8. Жамият кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини кузатув кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

8.9. Жамият кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир

марта чақирилади. Заруриятга кўра жамият кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

8.10. Жамиятнинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

8.11. Жамият кузатув кенгашининг қарори кузатув кенгашга сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида қонуний ҳисобланади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, жамият кузатув кенгаши раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

8.12. Мажлисида кузатув кенгаши аъзолари видео ва аудио ускуналари орқали конференция алоқаси ёрдамида иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сирдан берилган деб ҳисобланмайди.

8.13. Кузатув кенгаши ва унинг раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

8.14. Жамият кузатув кенгаши мазкур устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги низом асосида иш олиб боради.

## IX. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

9.1. Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи бош директор бўлиб, у кундалик раҳбарликни амалга ошириб, акциядорлар умумий йиғилишида жамият фаолияти натижалари ҳақида йиллик ҳисоботни тақдим этади.

9.2. Бош директор жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, мазкур устав, Акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

9.3. Бош директор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тайинланади. У билан меҳнат шартномасини жамият номидан кузатув кенгаши раиси имзолайди.

9.4. Бош директорни тайинлаш тўғрисидаги қарор, кузатув кенгаши қарорига биноан, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган, танлов асосида қабул қилиниши мумкин.

9.5. Акциядорлар вакили сифатида иштирок этаётган ижроия органи аъзолари ижроия органига аъзолар сайлаш масаласида овоз беришда иштирок этмайди.

9.6. Бош директорга тўланадиган меҳнат ҳақи ва бошқа ҳақлар миқдори жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, шартномада белгиланиши керак.

9.7. Бош директорга иш ҳақи акциядорлик жамияти штати жадвалида белгиланган миқдорларда тўланади. Компенсациялар миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 09.12.2020 йилдаги №775 – сонли қарори билан тасдиқланган "Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгиланади.

9.8. Бош директор ваколатига қуйидагилар киради:

- мазкур устав ва кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- мазкур устав ва бошқа ҳужжатларда кўрсатилган миқдорларда акциядорлик жамияти мулки ва пул маблағлари билан ўзаро муомалада фойдаланиш;

- кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

- жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- жамият номидан битимлар тузиш, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

• штатларни тасдиқлаш, жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

• жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

• жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

• ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

• акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

• жамиятда бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш, шу жумладан эълон қилиш мақсадида Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига трансформациясини таъминлаш;

• қонун ҳужжатларига мувофиқ жамият фаолиятига доир маълумотларни ошкор қилиш;

• йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

• амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.

#### 9.9. Бош директорнинг мажбуриятлари:

• жамият фаолиятининг кундалик раҳбарлигини, унинг самарадорлиги ва турғунлигини таъминлаган ҳолда ўзига берилган ваколатлар доирасида олиб бориш, жамият умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг мутлақ ваколатларига тегишли масалалар бундан мустасно;

• акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши қарорларни бажарилишини ташкил этиш;

• жамиятнинг ишлаб-чиқариш бирлашмалари, цехлари ва бошқа тармоқларини ўзаро самарадор ишлашларини таъминлаш;

• ишлаб-чиқаришни ривожлантириш ва ижтимоий таъминот масалаларини ҳал этиш учун етарли миқдорда фойда олинишини таъминлаш;

• жамиятни ривожлантириш режаларини ва бизнес-режасини тузиш ва ташкил этишга раҳбарлик қилиш ва унинг бажарилишини назоратга олиш;

• жамият фаолиятида қонунчилик талабларини бажарилишини таъминлаш;

• жамиятда бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш, шу жумладан эълон қилиш мақсадида Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига трансформациясини таъминлаш;

• қонун ҳужжатларига мувофиқ жамият фаолиятига доир маълумотларни ошкор қилиш;

• йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

• жамият молиявий-ҳўжалик фаолияти ҳақидаги ҳужжатларни жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки аудитор талабига биноан тақдим этиш;

• Давлат статистик ҳисоботини тегишли ташкилотларга ўз вақтида ва тўлиқ тақдим этилишини таъминлаш;

• жамият учун тижорат сирлари бўлган ахборотларни сақлаш, агар ушбу ахборот учинчи шахсларга бериш вазифаси топширилган бўлмаса. жамият тижорат сирлари қаторига кирувчи ахборотлар рўйхати кузатув кенгаши томонидан белгиланади;

• жамият ишчи-ходимлари тамонидан хизмат ва тижорат сирларига тегишли ахборотларни сақланишини таъминлаш;

• жамиятни мутахассис кадрлар билан таъминлаш, ишчиларнинг билимларидан, мутахассислик тажрибаларидан ва қобилиятларидан самарали фойдаланиш бўйича чоралар кўриш;

• хизмат ва технологик интизомни сақлаш;

• жамият ишчи-ходимлари ижтимоий таъминот гаровларини ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш;

- жамият мажлисларида ижроия орган вакиллари қатнашишини таъминлаш;
- жамият шартномалари ва келишувлари тузилишида иш билан таъминловчи сифатида қатнашиш. Жамият шартномалари бўйича мажбуриятларни бажариш;
- акциядорлар умумий йиғилишига ва кузатув кенгашига ўз ваколатига тегишли масалалар бўйича маърузани кўрсатилган муддатда тақдим этиш;
- акциядорларни амалдаги қонунчиликка асосан ахборотларни олиш, акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендларини ҳисоблаш ва тўланиш ҳуқуқларини таъминлаш;
- ички ҳужжатлар, амалдаги қонунчилик ва бошқа норматив актларга амал қилиш.

9.10. Бош директорнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун (06.05.2014й. ЎРҚ-370-сон), бошқа қонун ҳужжатлари, мазкур устав томонидан, ҳамда унинг жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномасида белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

9.11. Жамият номидан бош директор билан тузилган шартномани кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколатлаган шахс имзолайди. Жамиятнинг бош директори билан тузиладиган шартномада унинг акциядорлик жамияти фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари, ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши олдида жамиятнинг йиллик бизнес-режаси қандай бажарилаётганлиги юзасидан берадиган ҳисоботлари даврийлиги назарда тутилиши лозим.

9.12. Бош директор вазифасини бажарувчи шахснинг бошқа ташкилотлар бошқарув органидаги лавозимларда ўриндошлик билан ишлашига кузатув кенгашининг розилиги билан руҳсат берилади.

9.13. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамият кузатув кенгаши уставга асосан тегишли ҳуқуқ берилган бўлса, жамиятнинг бош директори билан тузилган шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

9.14. Кузатув кенгаши жамиятнинг бош директори билан тузилган шартномани, агар у жамият уставини кўпол тарзда бузилишига йўл қўйган бўлса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари шартномани тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

9.15. Агар жамиятнинг ижроия органини ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига киритилган бўлса, бош директорнинг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган кузатув кенгаши бош директорнинг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек яккабошчилик асосидаги ижроия органи тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради.

9.16. Жамиятнинг кузатув кенгашининг аъзолари ва бош директори ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатлари йўлида иш тутишлари зарур.

9.17. Бош директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

9.18. Бош директор қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ жамият олдида жавобгардир.

9.19. Бош директор бўлмаган (касаллик, хизмат сафари, меҳнат таътили) вақтида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бош директорнинг ўринбосарларига ёки бош муҳандисга вколатилади.

9.20. Бош директор мазкур устав ва Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Ижроия органи тўғрисида"ги Низом асосида иш олиб боради.

## **X. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

10.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тафтиш комиссияси тузилиши мумкин. Жамиятнинг тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат бўлади. Айни бир шахс жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

10.2. Тафтиш комиссиясининг талабига биноан бош директор молия-хўжалик фаолияти

